

# РЎЗИЕВЛАР МУТЛАҚ ҒОЛИБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда республика Маданият ишлари вазирлигининг жорий йил 22 июлдаги "Энг яхши китобхон оила" республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақида"ги буйруғига асосан вилоятда шу номдаги тадбир ниҳоясига етди.

Абу Али ибн Сино номли вилоят кутубхонасида бўлиб ўтган кўрик-танловда туманлар ва Бухоро шаҳридан биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган 14 та китобхон оила иштирок этди.

— Айни кунда вилоятимиздаги жами 451 та кутубхонада умумий фонди уч ярим миллион нусхага яқин адабиётлар сақланаяпти, — дейди танлов ташкилотчиларидан Инобат Ҳамроева. — Ушбу тадбирдан мақсад ҳам ёшларни мутолаага ўргатиш, китобга ошно

қилишдир.

Кўрик-танлов шартларига пухта ҳозирлик кўриб, ўзларининг мазмунли саҳна чиқишлари ҳамда ҳозиржавобликлари билан ажралиб турган уч китобхон оила сараланди. Учинчи ўрин Ромитан туман марказий кутубхонаси тизимидаги 12-сонли тармоқ зиё маскани аъзолари Муҳиддиновлар оиласига берилган бўлса, фахрли иккинчи ўринга Вобкент туманидаги Бобур номли марказий кутубхона китобсеварлари —

Набиевлар оиласи лойиқ деб топилди. "Энг яхши китобхон оила" кўрик-танлови вилоят босқичида Олот туманидан қатнашиб мутлақ ғолибликни қўлга киритган Рўзиевлар оиласи танловнинг республика — финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбир ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Учкун **ТОЖИЕВ,**

"Бухоронома" мухбири.

